



LEGAL BASIS FOR THE USE AND PROTECTION OF FOREST LANDS

Sherzod Mavlonov*Prosecutor of the Department**General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan**Tashkent, Uzbekistan**E-mail: Rockfeller2504@gmail.com***ABOUT ARTICLE**

Key words: forest fund, land use, legal regulation, environmental law, state control, sustainable development, resource protection.

Received: 05.05.25**Accepted:** 07.06.25**Published:** 09.06.25

Abstract: This article analyzes the legal foundations of forest fund land use in the Republic of Uzbekistan. It examines the legal status of forest fund lands, the forms of their use, and the main legal documents regulating this area. The paper identifies existing legal issues and provides practical recommendations for their resolution.

ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**Шерзод Мавлонов***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**Тошкент, Ўзбекистон**E-mail: Rockfeller2504@gmail.com***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: ўрмон фонди, ерлардан фойдаланиш, ҳуқуқий тартибга солиш, экологик ҳуқуқ, давлат назорати, барқарор ривожланиш, ресурсларни муҳофаза қилиш.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади. Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий мақоми, улардан фойдаланиш шакллари ва бу жараёни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар кўриб чиқилади. Шунингдек, ушбу соҳада мавжуд бўлган ҳуқуқий муаммолар ва камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар баён этилган.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ И ОХРАНЫ ЗЕМЕЛЬ ЛЕСНОГО ФОНДА

Шерзод Мавлонов

Прокурор управления

Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: Rockfeller2504@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: лесной фонд, использование земель, правовое регулирование, экологическое право, государственный контроль, устойчивое развитие, охрана ресурсов.	Аннотация: В данной статье анализируются правовые основы использования земель лесного фонда в Республике Узбекистан. Рассматриваются правовой статус земель лесного фонда, формы их использования и основные нормативно-правовые документы, регулирующие данный процесс. Также выявлены существующие юридические проблемы и даны практические предложения по их устранению.
---	---

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, ноқонуний дарахт кесишлар ва ўрмон фонди ерларидан самарасиз фойдаланиш Ўзбекистонда ҳам ўрмон фонди ерларининг экологик барқарорлигига таҳдид солмоқда. Бу ҳолат қонунчиликни янада такомиллаштириш ва амалдаги ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Ўрмон фонди ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таъминловчи аниқ ва самарали ҳуқуқий асосларни шакллантириш бугунги кунда энг долзарб масалага айланган.

Ўрмонлар - табиий экологик тизимнинг муҳим қисми бўлиб, унинг асосий вазифаси атмосферадаги углеродни сақлаш, биологик хилма-хилликни асраш ва инсонлар учун экологик мувозанатни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасида ўрмон фонди ерлари табиатни муҳофаза қилиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда стратегик аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда республикамизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида яшил майдонларни кенгайтириш борасида тизимли равишда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида сўнгги 6 йил давомида ўрмон фонди ерлари 1 млн гектарга кенгайди.

Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан 2023 йилда 235 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари бажарилган, ўрмон фонди ерларининг фойдаланилмаётган 7012 гектар майдонлари ўзлаштирилган.

Оролбўйи ҳудудларининг экологик барқарорлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида 127,8 минг гектар, Бухоро вилоятида 40,6 минг гектар, Навоий вилоятида 43,7 минг гектар ва Хоразм вилоятида 10,6 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан “яшил қопламалар” барпо этилган.

Ўрмон фонди ер майдонларида ўрмон хўжаликлари томонидан 1,1 тонна чўл ва бошқа турдаги дарахтлар ва буталарнинг уруғлари жамғарилган. Ниҳолхона ва кўчатхоналарнинг умумий майдони 1,3 минг гектарга етказилиб, 166 млн. дон турли мевали ҳамда манзарали дарахтлар ва буталарнинг кўчатлари, ниҳоллари етиштирилган.

Статистик маълумотларга кўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида республика бўйича 3 млн. тупга яқин дарахтлар ва буталарнинг кўчатлари ҳамда ниҳоллари бепул етказиб берилган, 457 гектар майдонда “яшил боғлар” барпо этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий асосларни таҳлил қилиш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ҳамда ушбу соҳадаги муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ва тадқиқот натижалари орқали ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўрмон фонди ерлари - давлат ер фондининг таркибий қисми бўлиб, ўрмон ресурсларини сақлаш, кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида махсус ҳуқуқий тартибга солинган ерлар тоифасига киради. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ўрмон фонди ерлари алоҳида ер тоифаси сифатида белгилаб қўйилган бўлиб, умуммиллий бойлик ҳисобланади ва фақатгина белгиланган мақсадлар асосида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-475-сон “Ўрмон тўғрисида” Қонунига мувофиқ, ўрмон фонди ерлари давлат томонидан муҳофаза қилинадиган, фақат ўрмон хўжалиги фаолиятини амалга ошириш ва экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган ерлардир [2]. Ушбу ерлардан фойдаланишда табиатни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, тупроқ ва сув ресурсларини ҳимоя қилиш каби талабларга амал қилиш шарт.

Қонунга кўра, ўрмон фонди ерлари асосан қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:

- ўрмонларни муҳофаза қилиш ва тиклаш;
- ўрмон хўжалиги ишларини олиб бориш;
- илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари;
- санитария ва соғломлаштириш ҳудудлари учун;
- экологик туризм ва рекреация фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 76-моддасига кўра, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор зоналар яратиш учун белгиланган тартибда ўрмон фонди ерлари таркибига ўтказилиши мумкин [1].

Давлат ўрмон хўжалиги органлари ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини жисмоний ва юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион орқали ижара ҳукуки асосида бериши мумкин. Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари жисмоний ва юридик шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин [6].

Республикамизда бугунги кунда, амалдаги норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва такомиллаштириш - халқаро нормаларни имплементация қилиш, ўрмон қонунчилигини кодификациялаш, ўрмонларнинг иқтисодий салоҳиятини ҳисоблаш, уларни ижарага ажратишда баҳолаш механизмларини жорий этиш;

ўрмон фонди ер майдонларининг ўрмон билан қопланган қисмидан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш;

ўрмон фонди ерларини ижарага бериш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишда давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминлаш;

ўрмонларнинг ҳолатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот ресурслари фондини шакллантириш;

республика ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ўрмон барпо этиш, ўрмон фондини ҳар томонлама кенгайтириш, уларни муҳофаза қилишга доир тадбирларни амалга оширишда инновацион технологияларни жорий этиш;

экотуризмни ривожлантириш учун экотуристик маршрутлар ва зарур инфратузилма объектларини ташкил этиш;

ўрмон фонди ерларида шўрланишга ва сувсизликка чидамли ўсимликларни етиштиришда илмий-тадқиқотлар натижаларини кенг жорий этиш;

халқаро ҳамжамиятнинг ўрмончилик соҳасини ривожлантириш ва чўлланишга қарши курашиш бўйича тадбирларида иштирок этиш каби бир қатор ишлар амалга оширилмоқда [6].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ўрмон фонди ер майдонларидан фойдаланишда ижара муносабатларини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 21 декабрдаги 674-сон қарори асосида ўрмон хўжалигини ривожлантиришда хусусий секторнинг ролини ошириш, ўрмон фонди ер участкаларини ижарага беришда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратилди, “Табиатга саёҳат” тамойили асосида экологик туризмни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, соҳани рақамли трансформация қилиш кенг жорий этилди, ўрмон фонди ер участкаларини ижарага бериш тизими тубдан такомиллаштирилди [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПК-171-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўрмон фонди ер участкаларини ижарага беришнинг замонавий ва шаффоф механизмлари жорий этилди [7].

Шунинг билан бирга бугунги кунда, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий механизмлар, назарий жиҳатдан етарлича асосланган бўлса-да, амалиётда қатор муаммо ва тўсиқларга дуч келмоқда. Бу муаммоларнинг айримлари ҳуқуқий базанинг тўлиқ бўлмагани ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарасизлиги билан боғлиқ [8].

Ҳозирги пайтда, бизнинг назаримизда, ўрмон фонди ерларидан фойдаланишдаги энг жиддий муаммолардан бири - ноқонуний дарахт кесишлар ва ўрмон ерларини ўзлаштириб юбориш ҳолатларининг кўпайиб бориши. Бу ҳолатлар кўпинча назорат органлари фаолиятининг етарли даражада самарали эмаслиги, жавобгарлик чораларининг заифлиги сабабли юзага чиқмоқда.

Иккинчидан, амалдаги “Ўрмон тўғрисида”ги Қонун, Ер кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги мувофиқлаштирилмаганлик кўпинча ҳуқуқий бўшлиқларга олиб келади. Масалан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрмон фонди ерларини ижарага беришдаги шартлар ва талаблар аниқ белгиланмаган, бу эса суиистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Учинчидан, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш жараёнларида жамоатчиликнинг иштироки жуда паст. Бунинг сабаби, бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ушбу соҳага оид экологик билимларининг етишмаслиги ва ушбу соҳада давлат органлари томонидан ахборот берилишининг самарасизлиги билан боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, ушбу муаммоларни ечими сифатида биринчидан, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш ва бир хил асосда ишлайдиган ягона “кодекс” қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Бу фойдаланувчилар учун аниқ ҳуқуқий механизмларни таъминлайди ва ҳуқуқни қўллашдаги ноаниқликларни бартараф этади.

Иккинчидан, ўрмон фонди ерларидан фойдаланишда давлат назоратининг институционал механизмларини қайта кўриб чиқиш, жавобгарлик чораларини кучайтириш ва экологик ҳуқуқбузарликларга нисбатан мустаҳкам санкциялар жорий этиш зарур.

Учинчидан, ўрмон фонди ерлари ҳақида очиқ маълумотлар базасини шакллантириш ва фуқаролар учун экологик ҳуқуқ бўйича оммавий таълим дастурларини жорий этиш орқали жамоатчиликни фаол жалб этиш мумкин. Жамоатчиликнинг фаол иштироки эса соҳада шаффофликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистонда барқарор ривожланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эга. Юқорида билдирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалдаги ҳуқуқий базада муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, ўрмон ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, шунингдек уларни муҳофаза қилиш соҳасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, назорат механизмининг етарлича самарали эмаслиги, жамоатчилик иштирокининг деярли йўқлиги ва ахборот шаффофлигининг етишмаслиги ушбу муаммоларнинг асосий сабабларидир. Бундай ҳолатларда ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқиш, давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, ҳамда фуқароларнинг экологик онги ва билимларини ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Муаллиф томонидан юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, келтирилган муаммоларнинг ечими сифатида қуйидаги ҳуқуқий ва амалий тавсиялар таклиф этилади:

1. Ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш:

- Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиши лозим.
- Амалдаги “Ўрмон тўғрисида”ги Қонун замонавий экологик талабларга мос ҳолда кодекс шаклида қайта кўриб чиқиши зарур.

2. Давлат назоратини кучайтириш:

- Назорат органларининг ваколат ва жавобгарлиги аниқ белгилаб берилиши керак.
- Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари учун санкциялар оширилиши лозим.

3. Жамоатчилик иштироки ва ахборот очиқлигини таъминлаш:

- Ўрмон фонди ерлари ҳолати бўйича ахборот портали яратилиши.
- Экопатрул ва фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этиш.

4. Фойдаланиш шакллари диверсификация қилиш:

○ Экологик туризм, таълим, тадқиқот ва бошқа ноанъанавий фойдаланиш йўналишлари қўллаб-қувватланиши зарур.

Мазкур тавсиялар амалга оширилса, Ўзбекистонда ўрмон фонди ерларидан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизми янада самарали ва барқарор ривожланади, деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998-й., 5-6-сон, 82-модда.;
2. Ўзбекистон Республикаси “Ўрмон тўғрисида” қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019й;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4424-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-4850-сон қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 декабрдаги “Давлат ўрмон фонди ер майдонларидан фойдаланишда ижара муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 674-сон қарори
7. Бобокулов Ш.О. Ер муносабатларига доир давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари //Scientific progress. – 2022. –Б. 29-30.
8. Чориев, Т. "Ўрмон фонди ерларидан фойдаланишдаги ҳуқуқий муаммолар". Ўрмон хўжалигини ривожлантириш журнали, – 2020. –Б. 23–29.